

ГЕНДЕР СИЁСАТИ–ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ МУҲИМ ВА АЖРАЛМАС ҚИСМИ СИФАТИДА (МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА)

З.Сейтова

Социология фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Мақолада ҳар бир демократик давлатнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайдиган гендер тенглиги, аёл ва эркеклар тенглигини таъминлаш бўйича миллий ва хорижий тажрибаларнинг таҳлил берилган бўлиб, бунда асосий урғу ушбу жиҳатнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ракурсида тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: гендер, гендер нотенглик, имкониятлар чегараси, аёллар эркинлиги, гендер қонунчилиги, тажрибалар алмашинуви, гендер тенглиги механизмлари, замонавий жамиятдаларда гендер нормалари, таълимда эркинлик, касб танлаш имкониятлари.

Кириш: Ҳар бир жамият ўзига хос фуқаролар учун ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан платформа яратиб бериш лозим. Шунда у демократик деган мақомга эга бўлишини таъминлайди. Бундай масалалардан бири – гендер тенглик ҳисобланади. Гендер тенглик аввало аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳада эркеклар билан тенг ҳуқуқ ва имтиёзлар асосида фаолиятини олиб боришда кўринади.

Бу борада дунёдаги энг ривожланган давлатларда ҳам аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироки масаласи муҳим аҳамиятга эга соҳалардан бири ҳисобланади. Хусусан, дунёдаги 22 та давлатни, хусусан Грузия, Тайвань (қисман тан олинган давлат) Непал, Молдова, Сингапур, Эфиопия, Греция, Словакия Тринидад ва Тобаго давлатларини бугун аёллар бошқармоқда. 16та давлатнинг бош вазирлари аёллардир. Исроилда 27 нафар вазирдан 9 таси аёллардир. Норвегия, Швейцария, Нидерландия, Босния, Франция, Габон, ЖАР, Кения, Эфиопияда мудофаа вазирлари аёллардир¹.

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/gende>

Ҳар бир жамиятда гендер тенглигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналишлари нималардан иборат бўлиши лозим?

Биринчидан, аввало аёл она. Она эса доимо ўз фарзандлари, яқинларини муҳофаза қилиш, асраш, уларнинг фаровонлигини таъминлашга интилади.

Иккинчидан, давлат бошқарувида бўлган аёллар аввало тинчлик, ижтимоий заиф қатламни ҳимоялаш, давлатнинг иқтисодий-ижтимоий барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилишади. Буни жаҳон тажрибасидан ҳам кўрса бўлади. Хусусан, Янги Зеландиянинг бош вазири Ардерн Жасинда ҳукумат тепасига келгач, ишини аввало камбағалликни бартараф этиш, юз минглаб бошпанасиз аҳолига давлат томонидан бериладиган уйлар қуриш, мамлакат экологиясини яхшилаш ва кўкаламзорлаштириш, ис газларининг атмосферага чиқаришини камайтириш, оналарга бола нафақасининг ҳажмини кўпайтириш, таълимни ислоҳ қилишдан бошлади.

Бангладеш бош вазири Шейх Хасины Вазед эса камбағал оилаларни бошпана билан таъминлашдан ташқари, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш, таълим билан барча қатламдаги аҳолини қамраб олишга, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва атроф-муҳит ифлосланишига қарши курашга бел боғлади. Унинг асосий ютуғи мамлакатдаги ислом фундаментализми ва сепаратизмни бартараф этиш бўлди.

Литвани 10 йил давомида (2009-2019 йй.) бошқарган Даля Грибаускайте қисқа муддатда мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини тиклаб, длат харажатларини қисқартиришга, экспортни оширишга, кичик бизнес вакиллари учун қатор имтиёзлар яратишга, суд тизими ва сеймга сайловлар тизимини шаффоф қилишга, мамлакатдаги экологик муаммоларни бартараф қилишга эришди.

Хорватиянинг 2015-2020 йилларда бошқарган Колинда Грабар-Китарович эса президентлик даврида Жинслар тенглиги миллий-сиёсий бешинчи дастурни ишлаб чиқиб, унга кўра аёлларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлади, ижтимоий жиҳатдан заиф қатламга иш ўринларини яратди. У Президент самолети ва 35 та ҳукуматга тегишли қиммат автомобиларни сотувга қўйиб, пулини давлат ғазнасига қайтарган ва Президент (яъни ўзининг маошини) ва вазирлар маошини 50%га, консул ва элчиларникини

60% га қисқартириб, мамлакатдаги энг кам иш ҳақини 20%га оширган. Таълим ва тиббиёт соҳаларига ажратиладиган пулларни икки баробарга кўпайтирган.

Шулардан келиб чиқиб, баралла айтиш мумкинки, аёл-раҳбар аввало ўз фаолиятини тинчлик ва фаровонликка, мамлакат иқтисодиётини кўтариш, ижтимоий заиф қатламни қўллаб-қувватлашга, аҳолининг соғлиғини тиклаш, таълим билан қамраб олиш, табиатни асраш, яратувчанликка, мамлакатга таҳдид солаётган кучларни бартараф этишга йўналтиради.

Аммо давлатлар ва жамиятларда ушбу тушунчанинг илмий, назарий, ижтимоий ва иқтисодий имкониятларини тушунмаслик жиддий муаммоларга олиб келмоқда. Бунинг учун аввало бу тушунчанинг асл моҳиятини тўғри англаш, тарғиб этиш катта аҳамият касб этади.

Гендер тенглик – бу жинс асосида истисноларсиз ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги, яъни эркак ва аёлнинг ҳуқуқ ва имкониятларининг тенглиги².

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гендер тенглиги деганда фақат хотин-қизлар ҳуқуқлари назарда тутилмайди³.

Гендер тенглиги – бу аёлларнинг тенг ҳуқуқлари дейиш унчалик тўғри эмас. Гендер тенглик ва жинсга асосланиб камситилмаслик (дискриминация қилмаслик) нуқтаи-назаридан инсон ҳуқуқларининг асоси ҳисобланади ва Барқарор ривожланиш билан узвий боғлиқ ва инсон ҳуқуқларини ҳамма учун тенг равишда амалга оширишни таъминлашда жуда муҳимдир. Айнан шу жиҳати билан ҳар бир демократик мамлакатда ушбу ҳуқуқни таъминлаш давлатнинг асосий ривожланиш мезони сифатида талқин этилишига сабаб бўлади. Турли маъноларда қўлланиладиган дискриминация, яъни камситиш, кам тутиш фарққа асосланади, масалан, ирқи бўйича:

1. Битта ирқ яшашга, меҳнат қилишга ҳуқуқи бўлса-ю, бошқа ирқ вакилини (фақат танасини қорароқ бўлгани учун) бундай ҳуқуқдан маҳрум қилинса ёки миллат, бир миллат вакилига даволаниш ҳуқуқи бўлсада, бошқа миллат вакили бундай ҳуқуқдан фақат миллати бошқа бўлганлиги учун маҳрум қилинса;

² What do we mean by "sex" and "gender"? (англ.). World Health Organization. Дата обращения: 26 ноября 2015.

³ Здравомыслова Е, Темкина А (1999). Социальное конструирование гендера как феминистская теория //Женщина. Гендер. Культура. Москва.

Ред. Хоткина З., Пушкарева Н., Трофимова Е. СС. 46-65; (1998). Социальное конструирование гендера // Социологический журнал. N 3-4 СС.171-182.

2. Бир жинс вакилига берилган инсон ҳуқуқи, иккинчиси ҳам фойдаланишини таъминлашқу, акс ҳолда камситиш бўлади. Гендер тенглик — бу аёлларнинг ҳуқуқлари ҳақида эмас, бу эркак ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш бўйича сиёсат. Бу ҳар бир демократик тамойиллар асосида ривожланаётган давлат учун ажралмас жиҳат бўлиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бунда жамиятда эркаклар ва аёллар инсон ҳуқуқлардан (яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, соғлиғини тиклаш ва сақлаш, дам олиш, сайлаш ва сайланиш ва ш.к.)тенг фойдаланиши назарда тутилади.

Илмий адабиётларда фақат жинси эркак бўлганлиги учун дам олмасдан доим ишлаш – тенгсизлик, ёки жинси аёл бўлганлиги учун таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш – тенгсизлик, шу ҳуқуқларини жинсидан қатъи назар таъминлаш – тенглик сифатида эътироф этилади⁴.

Хорижий манбаларда гендер эркак ва аёлларнинг турли соҳалардаги муносабатларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат маъносини англатади. Демак, гендер тенглик ўз гендерига (зотига) (эркак ва аёл гендери фарқ қилади) мувофиқ инсон ҳуқуқларини давлат томонидан таъминланишини англатади. Амалиётда бу масалага қуйидагича ёндашув ишлатилади мисол учун, аёл ёш боласи бўла туриб моддий жиҳатдан фаровонлигини таъминлаши, турмуш ўртоғи билан рўзғорга фойда келтириш учун ишламоқчи бўлса, давлат мактабгача таълим муассасаларини яратиб қўйиши керак бўлади. У ҳам оила боқаман деб кечгача ишламасдан, фарзандлари билан мулоқот қилиши, яъни оталик ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади. Бу барча мамлакатларда гендер тенглигини таъминлашдаги муҳим ва ўхшаш жиҳат ҳисобланади. Бунда онада ўз ўғиллари учун эркакча гендерни сингдириш учун намуна бўлишга вақт топади. Чунки ўғил бола ижтимоий муносабатларда эркак бўлиб шаклланиши учун онадан бу хусусиятларни ўргана олмайди. Чунки аёл эркакдан фарқ қилади. Тўғри тарбияда жинсидан қатъий назар, аввало инсоний фазилатларни шакллантириш лозим, лекин гендер хусусиятларини ҳам инобатга олиш керак бўлади⁵.

⁴ Кирилина А. В. Лингвистические гендерные исследования как проявление смены эпистемы в гуманитарном знании // Армия и общество. — 2010. — №. 4. — С. 110—114.

⁵ Гапова Е. Классовый вопрос постсоветского феминизма или об отвлечении угнетенных от революционной борьбы // Гендерные исследования. — 2006. — № 15. — С. 144—164.

Дунё илмий тажрибасида мамлакатда гендер тенгликни таъминлашнинг куйидаги механизмларини келтириб ўтилган:

- Фактлар асосида: давлат сиёсатида гендер тенглик ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни рағбатлантиришга тизимли ёндашув;
- Таълимга асосланган: давлат муассасаларида жамоатчилиги билан бирлашган ҳолда кенг воситалар тўплами ва ўқув қўлланмалар манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
- Онлайн: барча жараёнлар онлайн платформада олиб борилиб, унга қилинган ишлар бўйича ҳисоботларни юклаш мумкин бўлади, шунингдек, унда индивидуал ва жамоавий кўмак ҳам берилиши кўзда тутилади.
- Мослашувчанлик: турли давлат муассасаларида қўллаш учун унинг амалий жиҳатдан мослашувчанлиги.
- Халқаро, миллий ва соҳавий жиҳатдан солиштирилиши мумкинлиги: Барча учун бир стандартнинг мавжудлиги миллий ва халқаро миқёсда солиштириш имконини беради⁶.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда гендер тенгсизлигини бартараф этиш бўйича ишлар фаоллашди. Гендер сиёсати муаммолари, гендер тадқиқотлари, айниқса, “Аёллар муаммоси” билан боғлиқ масалалар расмий даражада давлат сиёсатининг устувор масалалари қаторига киритилган. Хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, айниқса, уларнинг ҳуқуқларини қонуний ҳужжатлари орқали ҳимоя қилиш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Гендер тенгликни таъсинлаш жамиятнинг турли соҳаларида кузатилади. Бу барча давлатларга бирдек хос.

Замонавий ўсмирларнинг касб танлаш муаммосини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мактаб битирувчилари гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кейинги касбий йўналишларни белгилаш ва режалаштиришда катталарнинг ёрдамига муҳтож. Бу каби ҳолатда маҳалла, оила ва таълим муассасининг ҳамкорлиги етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, ўсмирларнинг гендер

⁶ Ярская-Смирнова Е. Возникновение и развитие гендерных исследований в США и Западной Европе // Введение в гендерные исследования. Ч. I: Учебное пособие / Ирина Жеребкина (ред.). — Харьков, СПб.: ХЦГИ, Алетейя, 2001. — С. 17—48.

ижтимоийлашувини ҳисобга олиш боланинг касб танлаш истиқболларини амалга ошириш ички тайёрликни шакллантиришга ёрдам беради.

Бунда гендер ёндашув асосида ўқувчи-ёшларни касбий йўналтиришга қаратилган интенсивлашган дидактик таъминотларни таълим жараёнида тадбиқ қилиш билан изоҳлаш мумкин. Бунда ёшларни, асосан, кичиклигидан бошлаб китобга ошно қилиш, ўз фикрини эркин баён қила олиш имкониятини бериш ҳамда уларни тинглаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш 2017 йилда ислохотлардан кейин янги босқичга кўтарилди. Унинг ҳуқуқий асоси шакллантирилди. Хусусан, миллий қонунчилигимизга «гендер» тушунчаси 2019 йил 3 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни билан киритилган бўлиб, унга кўра гендер — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати ҳисобланиши белгилаб қўйилди⁷.

2018 йилдан бошлаб Ўзбекистонда гендер тенглиги сиёсати муваффақиятли амалга ошира бошланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-поғонага кўтарилди. 2020 йили илк маротаба биринчи маротаба Феруза Махмудова Исроил давлатига элчи қилиб тайинланди. Айни пайтда Ўзбекистонда 170 нафар туман ва 25 нафар (вилоят ва республика бўйсинувидаги) шаҳар ҳокими орасида фақат 6 нафар аёл фаолият юритмоқда. 2020 йил 20 январь куни ўтган Сенатнинг биринчи ялпи мажлисида нутқ сўзлаган президент Шавкат Мирзиёев туман ҳокими лавозимида аёлларни қидираётгани, муносиб номзодларни амалда синаб кўриши ҳақида айтганди.

Шу билан бирга, ушбу қонун билан Ўзбекистонда янги бир йўналишни – гендер статистикаси, яъни, давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча

⁷ <https://lex.uz/docs/4494849>

соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми, гендер-ҳуқуқий экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш каби тушунчалар ҳам қонунчилигимизга киритилди.

Бу жуда катта ижтимоий потенциал ҳисобланади. Унга кўра, бир қанча ўзгартиришлар ва янгиликлар киритилди:

Биринчидан, ушбу қонуннинг 1-моддасида, ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги таъкидланган.

Иккинчидан, қонунда давлат органларидаги ваколатли шахснинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари, давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари, давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари белгилаб берилган.

Учинчидан, меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари, уй меҳнатини бажаришда тенг муносабатлар кафолатлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Тўртинчидан, ушбу қонунда агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги, бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмаслиги, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги

ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш конунчиликда белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланиши ҳам назарда тутилган⁸.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жамиятда гендер тенгликни таъминлаш эса аввало аёлдаги яратувчанлик, тинчликка интилиш, ҳимоя қилиш, асраш каби хиссий фазилатларнинг намоён бўлиши, мамлакатнинг турли соҳаларида ривожланишнинг таъминланиши, аҳоли фаровонлигининг ўсиши, соҳалардаги мавжуд камчилик ва муаммоларнинг бартараф этилишига олиб келиши таъминлашда етакчи жараён ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Гапова Е. Классовый вопрос постсоветского феминизма или об отвлечении угнетенных от революционной борьбы // Гендерные исследования. — 2006. — № 15. — С. 144—164.
2. Ярская-Смирнова Е. Возникновение и развитие гендерных исследований в США и Западной Европе // Введение в гендерные исследования. Ч. I: Учебное пособие / Ирина Жеребкина (ред.). — Харьков, СПб.: ХЦГИ, Алетейя, 2001. — С. 17—48.
3. <https://lex.uz/docs/4494849>
4. Кирилина А. В. Лингвистические гендерные исследования как проявление смены эпистемы в гуманитарном знании // Армия и общество. — 2010. — №. 4. — С. 110—114.
5. Сеитова, З. П. (2023). СОЦИАЛЬНЫЙ СТАТУС ЖЕНЩИН РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(2), 83-89.
6. Pirzhanovna, S. Z., & Gulbahar, Z. (2022). Features Of the Formation of a System of Social and Value Orientations of Women. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 4, 1-3.
7. Сеитова, З. (2024). НАЛИЧИЕ ГЕНДЕРНО-УЩЕРБНЫХ СТЕРЕОТИПОВ В УСЛОВИЯХ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ. Academic research in educational sciences, (3), 537-542.
8. Pirzhanovna, S. Z. (2023). SOCIAL TRANSFORMATIONS AND CHANGES IN THE MINDS OF WOMEN. QUALITY OF TEACHER EDUCATION UNDER MODERN CHALLENGES, 1(1), 225-232.
9. Сеитова, З. П. (2023). КОМПОНЕНТЫ ГЕНДЕРНОЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ И ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ РЕСПУБЛИКА КАРАКАЛПАКСТАН. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(14), 342-351.

⁸ <https://lex.uz/docs/4494849>

10. ZP, S. (2023). Social Transformations and Changes in The Minds of Women. *Journal of Advanced Zoology*, 44.
11. Сеитова, З. П. (2021). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ МИРОВОЗЗРЕНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. *Экономика и социум*, (3-2 (82)), 352-355.
12. Pirjanovna, S. Z., & Aytbaevna, S. G. (2020). ECOLOGICAL ISSUES IN THE PHILOSOPHICAL THEORIES OF KARAKALPAK THINKERS. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(7), 4206-4212.
13. Сеитова, З. П. ВОПРОСЫ САМОИДЕНТИФИКАЦИИ ЖЕНЩИН В СОЦИОЛОГИЧЕСКОМ ИЗМЕРЕНИИ. *ILM SARCHASHMALARI*, 185.
14. Pirjanovna, S. Z. (2021). A democratic society is the spokesman for the people's, national will. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1088-1091.
15. Bo'ronov, N. (2024). MEDIA SAVODXONLIKNI OSHIRISHDA VR LABORATORIYANING TASHKILIY MODUL MEXANIZMI. *TAMADDUN NURI JURNALI*, 5(56), 454-457.
16. Nazim, B. R. (2022). O 'zbek tilshunosligida takror va uning uslubiy xususiyatlari ba'zi adabiyotlarda, ayrim tadqiqot ishlarida o'rganilgan. *Erkin Vohidov ijodida doston janri alohida ahamiyatga ega. Mazkur maqolada Erkin Vohidov "Nido" dostonining til xususiyatlari haqida so. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING*, 1(3), 500-504.
17. Буронов, Н., & Шоғуломов, Д. (2020). PREVENTING INFORMATION HAZARDS IN ONLINE PUBLICATIONS ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ. ББК 60 Е244 Ответственный редактор: Гуляев Герман Юрьевич, кандидат экономических наук Е244, 24.
18. Bo'ronov, N. M., & Nurutdinova, M. (2019). XXI ASRDA DINIY EKSTREMIZM TAHDIDLARI. In *WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS* (pp. 289-290).
19. Suyarov, A. (2023). INNOVATION USULLAR–TALABALARNING TA'LIM VA KOGNITIV FAOLIYATINI TASHKIL ETTIRISHNING YANGI TARZI. *Philological issues are in the eyes of young researchers*, 1(1).
20. Suyarov, A., & Axmadov, H. TOG JINSLARI VA ULARNING FIZIKAVIY-MEXANIKAVIY XOSSALARI. *TOHIKEHT-2021*, 28.